
Рамазон шукуҳи: Қўрғонча маҳалласида ташкилланган ифторлик тадбиридаги эътибор ҳам кўнгилларни обод этди

Рамазон ойи нафақат ибодат, савобларга эришиш, балки хайру саховат, инсонлар ўртасида меҳр-оқибат ришталарини мустаҳкамловчи муборак оидир.

Ўзбекистон туманидаги маҳаллаларда ташкилланаётган ифторлик дастурхонлари халқимизга хос, инсонийликнинг юксак кўринишини ўзида акс эттирувчи қадриятларнинг бир кўриниши бўлмоқда. Ана шундай ифторлик тадбири бугун "Қўрғонча" маҳалласида ҳам ўтказилиб, унда туман сектор раҳбарлари иштирок этди.

Маҳалла аҳли, кекса ёшдагилар ва эҳтиёжманд оиласалар вакилларини бир дастурхон атрофида жамлаган хайрли тадбирда юртимиз тинчлиги ва халқимиз фаровонлигини тилаб, нуронийлар томонидан эзгу ниятлар билдирилиб, дуолар қилинди.

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди кўмагида ташкилланган маросимда рамазон ойи фазилатлари, ўзаро меҳр-оқибат, мамлакатимизда "Инсон қадри учун" тамойили асосида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида шукроналик суҳбатлари бўлди.

2023-04-11 22:34:18